

Вақт неъмат



16:01 / 05.06.2021 2322

Ҳужжатул Исом имом Ғаззолий «Бидоятул ҳидоя» номли китобида қуйидагиларни айтадилар:

«Вақтинг – ҳаётинг, умрингдир. Умринг сармоянгдир. Ўша билан тижорат қиласан. У билан Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги абадий неъмат (жаннат)га етасан.

Ҳар бир олаётган нафасинг асли гавҳардир. Лекин у ўз қийматини йўқотади, агар унинг бадали, эвази бўлмаса. Вақтинг ўтар экан, у энди асло ортга қайтмайди.

Сен, ҳар куни мол-дунёси зиёда бўлаётгани билан шод бўлаётган, аслида у билан бирга умри қисқариб бораётган нодонлардан бўлмагин.

Умринг қисқариши эвазига мол-дунёнинг кўпайишида нима хайр бор?! Унинг ўрнига илм ва амалнинг кўпайиши сени шод қилсин. Чунки бу иккиси сенга дўст бўлиб, оиланг, мол-мулкинг, фарзандларинг ва дўстларинг сени тарк қилган чоғда, қабрда ҳам сени рафиқинг, ҳамроҳинг бўладилар.